

ЭКОЛОГИК ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШГА ОММАВИЙ ОФЕРТА

*"KAPITAL SUG'URTA" АЖ Бош директорининг 2024 йил 15 ноябрдаги №666-сонли буйруғи билан тасдиқланган,
12.05.2025 йил №263-сонли, 14.08.2025 йил №484-сонли ва 19.01.2026 йил 32-сонли буйруқлари билан
ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.*

Ушбу Оммавий Оферта (кейинги ўринларда “Оферта” деб юритилади) “KAPITAL SUG'URTA” акциядорлик жамияти томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг чекланмаган доирасига Офертада кўрсатилган шартларда Суғурталовчининг расмий веб-сайти ёки Интернет хизмати (автоматлаштирилган ахборот тизими, мобил иловаси) орқали экологик транспорт воситаларини ихтиёрий суғурта қилиш шартномасини тузиш учун йўналтирилган таклифидир.

Мазкур Оферта суғурта шартномасини (полисини) расмийлаштириш санасида амалда бўлган экологик транспорт воситаларини ихтиёрий суғурта қилиш Қоидалари (кейинги ўринларда “суғурта Қоидалари” деб юритилади) билан тартибга солинади. Суғурта Қоидалари ва ушбу Оферта www.kapitalsugurta.uz расмий веб-сайтида ва Суғурталовчининг Интернет хизматларида умумфойдаланиш учун очик ҳисобланади.

Ушбу Оферта шартларини қабул қилиш ва белгиланган суғурта мукофотини (бадалини) тўлаш, оферта шартларининг акцепти ва Суғурта қилдирувчининг экологик транспорт воситаларини ихтиёрий суғурта қилиш шартномасини тузишга розилиги ҳисобланади. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти (бадали) тўланганлиги факти тасдиқлангач, унга электрон суғурта полиси юборилади ва суғурта шартномаси тузилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ, ушбу Офертани сўзсиз қабул қилиш (акцепт қилиниши) орқали Суғурта қилдирувчи:

- ушбу Оферта шартларини, жумладан суғурта шартларини қабул қилганлигини тасдиқлайди;
- полисни расмийлаштириш учун такдим этилган шахсга доир маълумотларга ишлов беришга, шу жумладан тизимлаштириш, сақлаш, фойдаланиш, такдим этиш, тарқатишга, 5 йил муддатга суғурта фаолиятини амалга ошириш мақсадида маълумотларни автоматлаштирилган ёки автоматлаштириш воситаларидан фойдаланмаган ҳолда ишлов бериш йўли билан узатишга, шунингдек, ички ҳужжат айланишини таъминлаш бўйича суғурта шартларига кўра ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажариш учун уларни учинчи шахсларга ўтказишга ўзининг, шунингдек Наф олувчи(лар) ва Хайдовчи(лар)нинг розилигини билдиради ва тасдиқлайди.

Агар суғурта мукофоти (бадали) тўлиқ тўланмаган бўлса, шунингдек, Суғурталовчи томонидан акцептни бекор қилиш тўғрисидаги билдиришнома акцептга қадар ёки у билан бир вақтда олинган бўлса, акцепт олинмаган ҳисобланади.

“Суғурта шартномаси” ва “Суғурта полиси” атамалари бундан кейин матнда ушбу электрон ҳужжатга нисбатан бир хил маънога эга.

ОММАВИЙ ОФЕРТА ШАРТЛАРИ АСОСИДА ТУЗИЛАЁТГАН ЭКОЛОГИК ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИНИНГ (СУҒУРТА ПОЛИСИНИНГ) АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

1-БЎЛИМ. АТАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪРИФЛАРИ

1.1. Ушбу офертада қўлланилаётган атамалар қуйидаги маъноларга эга:

Суғурталовчи – Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ва ваколатли давлат органи томонидан берилган Лицензия асосида суғурта фаолиятини амалга оширадиган “KAPITAL SUG'URTA” акциядорлик жамияти.

Суғурта қилдирувчи – ушбу Суғурта Офертаси шартлари асосида Суғурталовчи билан суғурта шартномасини тузган ва белгиланган суғурта мукофотини (бадалини) тўлаган, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахс, яқка тартибдаги тадбиркор ёки ҳуқуқий лаёқатга эга жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс ёки чет эл фуқароси).

Суғурта полиси – ушбу Оферта ва Суғурта қоидалари шартлари асосида Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи ўртасида Суғурта шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи, Суғурта қилдирувчи номига бериладиган электрон ҳужжат.

Суғурта таваккалчилиги – юз бериши эҳтимол бўлган ҳолатга нисбатан суғурта амалга ошириладиган воқеа. Суғурта таваккалчилиги сифатида назарда тутилаётган ҳодиса эҳтимоллик ва тасодикийлик аломатларига эга бўлиши шарт.

Суғурта воқеаси – суғурта муддатида ва суғурта ҳудудида юз бериб, суғурта ҳодисаси аломатларига эга бўлган воқеа.

Суғурта ҳодисаси – ушбу Офертада ёки Суғурта қоидаларида назарда тутилган, суғурта муддати давомида ва суғурта ҳудуди доирасида содир бўлган, бир ёки бир нечта воқеалар бўлиб, улар рўй бериши натижасида

Суғурталовчининг Суғурта қилдирувчига ёки суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахсга суғурта товонини тўлаш бўйича мажбурияти юзага келади.

Суғурта қиймати – транспорт воситаси ёки қўшимча жиҳозларнинг, суғурта манфаати боғланган қиймати бўлиб, у Суғурта шартномаси тузилган пайтда (Суғурта полиси расмийлаштирилган пайтда) томонлар келишуви асосида белгиланади ва транспорт воситаси жойлашган ердаги унинг ҳақиқий қийматига тенг бўлади.

Суғурта пули — Суғурта шартномаси тузилган пайтда (Суғурта полиси расмийлаштирилган пайтда) томонлар келишуви асосида белгиланадиган ва полисда кўрсатиладиган пул миқдори бўлиб, шу миқдор доирасида Суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда Суғурта қилдирувчига ёки ушбу суммани олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахсга суғурта товонини тўлаш мажбуриятини олади.

Суғурта мукофоти (бадали) — Суғурта қилдирувчи суғурта Шартномасида белгиланган тартиб ва муддатларда Суғурталовчига тўлаш мажбуриятини оладиган суғурта учун тўлов.

Суғурта товони — Суғурта ҳодисаси натижасида келиб чиққан зарарни қоплаш учун, Суғурта шартномасида (Суғурта полисида, Офертада) кўрсатилган суғурта пули доирасида, Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига ёки ушбу суммани олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахсга тўланадиган пул миқдори.

Суғурта даври – Суғурта полисида кўрсатилган вақт оралиғи. Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи томонидан белгиланган суғурта мукофоти/биринчи/навбатдаги суғурта бадали ўз вақтида тўланган тақдирда, Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври ва суғурта ҳудуди доирасида рўй берган суғурта ҳодисалари бўйича ўз мажбуриятларини бажаради.

Зарар — Суғурта ҳодисаси юз берганлиги муносабати билан Суғурта қилдирувчи томонидан қилинган ёки келгусида қилиниши лозим бўлган харажатлар.

Транспорт воситалари (кейинги ўринларда – «ТВ») — экологик енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, микроавтобуслар ва улар асосида яратилган махсус машиналар, мобил транспорт воситалари ва бошқалар. Суғуртага фақат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган, яроқли ҳолдаги транспорт воситалари қабул қилинади.

Транспорт воситасининг қўшимча жиҳозлари (кейинги ўринларда – «ҚЖ») — транспорт воситасига стационар равишда ўрнатилган (яъни монтаж талаб этувчи), ваколатли органлар томонидан рухсат этилган, завод комплектацияси таркибига кирмайдиган, амалдаги стандартлар, фойдаланиш бўйича йўриқномалар ва бошқа норматив-техник ҳужжатлар талабларига жавоб берувчи механизмлар, ускуналар, мосламалар, асбоб-ускуналар ва бошқа жиҳозлар (масалан, механик ёки электрон ўғирликка қарши қурилмалар, видеоаппаратура ва ҳ.к.), жиҳозлар ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи заводнинг стандарт тўпламига кирмайдиган, олиб қўйиладиган теле ва радио ускуналар, автомагнитолалар, мониторлар, радиотелефонлар, антирадарлар, ёнилғи чиқиндисини камайтирувчи қурилмалар (глушителлар), дисклар (ғилдираклар) суғуртага қабул қилинмайди.

Суғурталанган ТВ — Суғурта шартномасида (Суғурта полисида) кўрсатилган ва унга нисбатан суғурта ҳимояси тақдим этиладиган транспорт воситаси.

Нобуд бўлиш (йўқотиш) — Суғурталанган ТВ ёки ҚЖ шундай даражада шикастланган ҳолатки, уни тиклаш учун талаб қилинадиган харажатлар унинг ҳақиқий қийматига тенг ёки ундан ошиқ, шунингдек, ТВнинг ўғирлик натижасида тўлиқ йўқотилиши тушунилади.

Шикастланиш — Суғурталанган ТВ ёки ҚЖ ва/ёки уларнинг айрим қисмлари ва деталларига йўл-транспорт ҳодисаси, ташқи механик таъсир, ёнғин, портлаш ёки табиий офатлар натижасида етказилган тасодифий жисмоний шикаст.

Ўғирлик (олиб қочиш) -транспорт воситасида калитлар ва унинг пультаари (брелоклари) мавжуд бўлмаган ҳолда олиб қочирилиши, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида белгиланган тегишли моддага асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан квалификация қилинадиган ўғирлик, талончилик ёки қўрқитиш билан амалга оширилган ҳужум натижасида Суғурталанган ТВ ва/ёки қўшимча жиҳозлар (агар суғурта қилинган бўлса)нинг йўқотилиши.

ТВ учинчи шахслар томонидан шикастланиши - Суғурталанган ТВ ёки ҚЖга нисбатан учинчи шахслар томонидан содир этилган қонунга зид, айбдорликка асосланган, амалдаги қонунчиликка мувофиқ жиноий, маъмурий ёки фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик белгиланган (ўғирлик ҳолатлари бундан мустасно) ТВ ёки ҚЖнинг йўқотилиши (ёки йўқ қилиниши), шикастланишига бевосита сабабчи бўлган ҳаракатлар.

Ҳайдовчи — транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ расмийлаштирилган тегишли тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига, транспорт воситалари эгаларининг мажбурий фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича амалдаги суғурта полисига, ҳамда Суғурта қилдирувчи (ТВ эгаси) томонидан берилган ёзма рухсатнома ёки бошқа қонуний асосга эга бўлган жисмоний шахс.

Йўловчилар — суғурта ҳодисаси содир бўлган пайтда Суғурталанган ТВда бўлган, шунингдек, унга чиқаётган ёки удан тушаётган шахслар (Ҳайдовчидан ташқари).

Суғурталанган шахслар — суғурта ҳодисаси юз берган пайтда Суғурта қилдирувчининг суғурталанган ТВсини салоида бўлган, шунингдек, унга чиқаётган ёки тушаётган Ҳайдовчи ва Йўловчилар.

Учинчи шахслар — Суғурта қилдирувчи, Наф олувчи ва уларнинг ишчилари, Ҳайдовчи, Суғурталанган шахслар ва Жабрланувчилардан ташқари бўлган ҳар қандай бошқа шахслар.

Жабрланувчилар (бошқа шахслар) — Суғурталанган ТВдан фойдаланиш жараёнида ҳаётига, соғлиғига ва/ёки мол-мулкига зарар етказилган шахслар.

Йўл-транспорт ҳодисаси (кейинги ўринларда – ЙТХ) — Суғурталанган ТВ йўлда ҳаракатланиши жараёнида ва унинг иштирокида содир бўлган ҳодиса: урилиш, ағдарилиш, тўқнашув ва шунга ўхшаш ҳолатлар, жумладан турғоқда бошқа механик ТВ томонидан етказилган шикастлар, бунда ушбу тушунча суғурта ҳодисаси содир бўлган санада Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган Йўл ҳаракати қоидаларида белгиланган мазмунда қўлланилади.

Ташқи механик таъсир - Суғурталанган ТВ ёки ҚЖга қуйида келтирилган ҳолатлар натижасида таъсир кўрсатилиши:

- қаттиқ жисмлар (жумладан, қор, муз, устунлар, дарахтлар, йўл белгилари, реклама конструкциялари ва ҳ.к.) тушиши, урилиши, шунингдек Суғурталанган ТВ ёки ҚЖнинг қаттиқ жисмлар билан ўзаро таъсири;
- бошқа транспорт воситаларининг ғилдираклари остидан шағал, тош ва бошқа қаттиқ заррачаларнинг сочилиши;
- Суғурталанган ТВнинг эвакуаторда ташилиши пайтида тушиб кетиши ёки бошқа ТВ ва/ёки буюмлар билан таъсири;
- кўприклар ёки тоннеллар, уларнинг қисмлари (конструктив элементлари) вайрон бўлиши, йиқилиши, шунингдек ер қатлами, йўл қопламаси ёки сунъий иншоотлар қувурининг чўкиши, силжиши (ҳаракатланиши);
- ҳайвонлар таъсири — Суғурталанган ТВ ёки ҚЖга ҳайвонлар томонидан ташқи шикаст етказилиши, Суғурталанган ТВнинг салони ва фақат ички томон элементларига етказилган зарарлари бундан мустасно.

Ёнгин — суғурталанган ТВга очиқ аланга манбалари томонидан ташқи ёки ички таъсир натижасида юзага келган, назорат қилиб бўлмайдиган ёниш жараёни.

Портлаш — қисқа вақт ичида чекланган ҳажмда катта миқдорда энергия ажралиши ёки чиқиши натижасида вужудга келадиган, газлар ёки буғларнинг кенгайиши билан боғлиқ вайрон қилувчи жараён.

Табиий офатлар — табиат ҳодисалари бўлиб, улар интенсивлиги, тарқалиш қўлами ва давомийлигига кўра инсонларга, иқтисодий объектларига ва атроф-муҳитга ҳалокатли таъсир кўрсатиши мумкин. Табиий офатлар деганда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ваколатли органлар томонидан тасдиқланган мезонларга жавоб берадиган табиий келиб чиқишдаги фавқулудда ҳолатлар ва/ёки хавфли гидрометеорологик ҳодисалар тушунилади.

Ушбу Оферта доирасида табиий офатлар қуйидагиларни ўз ичига олади: зилзила, кўчки, тоғ ёпирилиши, қор кўчкиси, кучли (штормли) шамоллар, бўрон, гирдоб, жала, чакмоқ чақиши, тошқин, сув тошиши ва сел, туман, музамалар, дўл.

ТВЭФЖМСҚ қоидалари — 2008 йил 24 июндаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 141-сонли қарори билан тасдиқланган Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари.

Шартсиз франшиза — зарарнинг маълум бир суммаси бўлиб, унинг доирасида Суғурталовчи ҳеч қандай мажбуриятни ўз зиммасига олмайди ва зарарни қоплаш бўйича талабларни кўриб чиқмайди. Агар зарар шартсиз франшиза суммасидан кўп бўлса, шартсиз франшиза суммаси зарар суммасидан чегирилади.

Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома — Суғурталовчи томонидан расмийлаштириладиган ҳужжат бўлиб, у Суғурта ҳодисаси юз берганлигини тасдиқлайди ва суғурта товони миқдорини белгилайди. Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома Суғурталовчининг ва Суғурта қилдирувчининг ваколатли шахслари ҳамда суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс томонидан имзоланади.

1.2. Ушбу Офертада қўлланилган барча атамалар фақат ушбу Офертада белгилаб берилган маънода тушунилади. Агар ушбу Офертада айрим атамаларга таъриф берилмаган бўлса, уларнинг маъноси Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

2-БЎЛИМ. СУГУРТА ОБЪЕКТЛАРИ

2.1. Суғурта объектилари сифатида, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган қуйидаги мулкий манфаатлар тушунилади:

2.1.1. Суғурталанган ТВ ва/ёки унга ўрнатилган қўшимча жиҳозларнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), шикастланиши ёки ўғирланиши хавфи билан боғлиқ **Суғурта қилдирувчининг** манфаатлари;

2.1.2. Суғурта қилдирувчи (ҳайдовчи) томонидан ТВдан фойдаланиш жараёнида рўй берган бахтсиз ҳодиса натижасида **Суғурталанган шахсларнинг** ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар билан боғлиқ манфаатлари;

2.1.3. Суғурталанган ТВдан фойдаланиш жараёнида жабрланувчи (бошқа шахслар)нинг ҳаёти, соғлиғи ва/ёки мол-мулкига етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ фуқаролик жавобгарлигининг вужудга келиши хавфи билан боғлиқ **Суғурта қилдирувчининг, унинг ходимлари ёки ҳайдовчининг манфаатлари.**

3-БЎЛИМ. СУГУРТА ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИ ВА СУГУРТА ҲОДИСАЛАРИ

3.1. Суғурта шартномасида (полиса, Офертада) назарда тутилган ва рўй бериши натижасида Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш мажбурияти юзага келадиган воқеа Суғурта ҳодисаси ҳисобланади.

3.2. Суғурта шартномаси (полиси) тузилган эҳтимолий воқеа суғурта таваккалчилиги бўлиб, унинг юз бериши ҳолатига суғурта амалга оширилади.

3.3. Ушбу Офертага мувофиқ қуйидаги тавккалчиликлар юз берган тақдирда суғурта ҳимояси тақдим этилади:

3.3.1. «ЗАРАР»:

Суғурта даври ва суғурта ҳудудида содир бўлган ТВ ёки ҚЖнинг нобуд бўлиши (йўқотилиши), ўғирланиши (олиб қочирилиши), шикастланиши, ҳамда учинчи шахслар томонидан ТВ ва/ёки ҚЖга етказилган зарарлар.

3.3.1.1. Махсус истиснолар:

Суғурталовчи 3.3.1-бандда кўрсатилган таваккалчилик бўйича қуйидагилар учун суғурта товонини тўламайди:

- а) Суғурталанган ТВнинг табиий эскириши (қўшимча жиҳозлар бундан мустасно);
- б) Суғурталанган ТВ ёки ҚЖнинг товар кўриниши йўқолиши, ишлаб чиқарувчи завод нуксони (брак);
- в) Шинадаги шикастлар, ҳаракатланиш қисмидаги техник носозликлар — йўл қопламасининг носозлиги, ёки ўткир буюмларга урилиш натижасида келиб чиққан ҳолатлар, агар бундай шикастлар натижасида Суғурталанган ТВнинг ёки ҚЖнинг ўзига шикаст етказилмаган ёки унинг йўқотилишига сабаб бўлмаган бўлса;
- г) Суғурталанган ТВ ёки ҚЖнинг эҳтимолий ўзгариши ва/ёки такомиллашуви билан боғлиқ Суғурта қилдиручи томонидан қилинган ҳаражатлар, шунингдек Суғурталанган ТВ ёки ҚЖдан фойдаланиш қоидаларига Суғурта қилдиручи ва/ёки Ҳайдовчи томонидан риоя этилмаган ҳолатлар;
- д) ТВнинг эксплуатацияси жараёнида, унинг эҳтиёт қисмлари, тизимлари ва агрегатларида юз берган бузилиш, ишдан чиқиш, носозлик, шу жумладан чет эл жисмлари ёки моддаларнинг агрегатлар ичига кириб бориши (масалан, гидроудар ва ҳ.к.) натижасида етказилган зарар;
- е) ишлаб чиқарувчи завод томонидан тайёрланмаган автошиналарнинг ғилдирак дисклари, ғилдиракнинг безак элементлари (қопқоқлари) шикастланиши ёки йўқотилиши натижасида етказилган зарар.

3.3.2. «БАХТСИЗ ҲОДИСА»:

Суғурталанган шахснинг суғурта даври ва суғурта ҳудуди доирасида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси ёки суғурталанган ТВни ноқонуний эгаллаш мақсадида амалга оширилган талончилик ҳужуми оқибатида юз берган бахтсиз ҳодиса туфайли тан жароҳатлари олиши ва натижада қуйидаги оқибатлар келиб чиқиши:

- Суғурталанган шахснинг травматик жароҳатланиши;
- бахтсиз ҳодиса содир бўлган кундан бошлаб олти ой (6 ой) ичида юз берган Суғурталанган шахснинг ўлими.

3.3.2.1. Махсус истиснолар:

3.3.2-бандда кўрсатилган таваккалчилик бўйича Суғурталовчи қуйидаги ҳолатлар натижасида етказилган зарар (жароҳат)ни қопламайди:

- а) Суғурталанган шахслар томонидан ўзини ўлдириш ёки ўзини ўлдиришга уриниш ҳолатлари;
- б) жиноий ҳаракатларда иштирок этиш;
- в) Суғурта ҳодисаси содир бўлган пайтда Суғурталанган ТВни бошқарган шахсда психик бузилишлар ёки оғир асабий синдромлар мавжуд бўлиши;
- г) Суғурталанган шахслар томонидан суғурта ҳодисасини юзага келтиришга қаратилган қасддан амалга оширилган ҳаракатлар (фақат йўловчилар томонидан инсон ҳаёти ва соғлиғини сақлаб қолиш мақсадида қилинган ҳаракатлар бундан мустасно).

3.3.3. «ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИ»:

Суғурта қилдирувчи (Ҳайдовчи) томонидан суғурта даври ва суғурта ҳудуди доирасида Суғурталанган ТВдан фойдаланиш жараёнида бошқа шахсларнинг (жабрланувчиларнинг) ҳаёти, соғлиғи ва/ёки мол-мулкига зарар етказиши, агарда:

а) зарар етказилганлиги факти ва унинг миқдори жабрланувчилар (Наф олувчила) томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ баён этилган моддий талаблар ҳамда жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш бўйича суд қарори ва/ёки ваколатли органларнинг тегишли ҳужжатлари билан тасдиқланган бўлиши лозим;

б) етказилган зарар миқдори, ТВЭФЖМСҚ бўйича тўланадиган зарар миқдоридан ортиқ бўлиши керак.

3.3.3.1. Махсус истиснолар:

3.3.3-бандда кўрсатилган таваккалчилик бўйича Суғурталовчи қуйидаги ҳолатларда етказилган зарар (жароҳат)ни қопламайди:

а) Зарар кўриш ҳолатлари жабрланувчининг қасддан қилган ҳаракатлари, енгилмас куч таъсири ёки учинчи шахсларнинг ғайриноқонуний ҳаракатлари натижасида суғурталанган ТСнинг Суғурта қилдирувчи (жавобгарлик хавфи суғурта қилинган шахс) эгалитидан чиқиб кетиши;

б) Суғурта ҳодисаси содир бўлган пайтда Суғурталанган ТВда бўлган Ҳайдовчи ва Йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар ҳолатларида;

в) Суғурта ҳодисаси содир бўлган пайтда Суғурталанган ТВ ичида бўлган учинчи шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарар ҳолатларида;

г) Табиий офатлар натижасида ва Жабрланувчиларнинг шикастланган мол-мулкининг товар кўриниши йўқолиши билан боғлиқ зарарни қоплаш бўйича талаблар бўйича.

3.3.3.2. Махсус шартлар:

Суғурталовчи қуйидагиларни тасдиқлайди ва уларга розилик билдиради:

а) Суғурталовчи билан келишмасдан, бошқа шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ва/ёки мол-мулкига етказилган зарар бўйича билдирилган талабларни тўлиқ ёки қисман тан олмаслик, ўз ихтиёри билан етказилган зарарни қопламаслик, шунингдек бундай талабларни ҳал этиш ва тўлаш юзасидан ўз зиммасига қандай бўлмасин мажбуриятларни олмаслик;

б) Суғурталовчининг талаби билан унга ёзма ишончнома бериши лозим — ушбу ишончнома орқали Суғурта қилдирувчи номидан қуйидаги ҳолатларда унинг манфаатларини ифода этиш ҳукуқи берилади:

зарарларни бартараф этиш, даъво ва аризаларни кўриб чиқиш, етказилган жисмоний жароҳатлар ва/ёки моддий зарарни кўздан кечириш далолатномаларини тузиш, жабрланувчилар билан келишувлар имзолаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қарши даъволар тайёрлаш, суд ва бошқа органларда Суғурта қилдирувчи манфаатларини ҳимоя қилиш;

в) Агар зарур деб топса, Суғурталовчи жисмоний жароҳатланиш ва/ёки моддий зарар етказилиши ҳамда суғурта товонини тўлаш билан боғлиқ даъво ёки талабни ҳал этиш масалалари бўйича бевосита бошқа шахслар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳуқуқига эга;

г) Агар транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги шартнома (кейинги ўринларда — ТВЭФЖМСҚ) ва ихтиёрий суғурта шартномаси (Суғурта полиси) бўйича мол-мулкка етказилган зарар юзасидан суғурта товони тўлаш мажбурияти юзага келса, биринчи навбатда мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта товони тўланади, етмаган қисми эса ихтиёрий суғурта шартномаси (Суғурта полиси) доирасида қопланади. Бунда мажбурий ва ихтиёрий суғурта шартномалари бўйича тўланган умумий суғурта товони жабрланувчига етказилган моддий зарарнинг ҳақиқий миқдоридан ортиқ бўлмаслиги шарт.

4 - БЎЛИМ. ИСТИСНОЛАР

4.1. Ушбу Офертага мувофиқ куйидаги ҳолатларда содир бўлган воқеалар суғурта ҳодисаси деб ҳисобланмайди:

а) Суғурталанган ТВ ва/ёки ҚЖ унинг ихтиёрида бўлган Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи ёки уларнинг ҳайдовчиси томонидан суғурта ҳодисасини юзага келтиришга қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлар натижасида содир бўлган ҳолатлар, бунда Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи ёки уларнинг ҳайдовчиси томонидан фуқаролик бурчини бажариш ёки Суғурталовчи ёки учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадр-кимматини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилган ҳаракатлар бундан мустасно;

б) Суғурта қилдирувчи ёки Ҳайдовчи томонидан суғурта объекти, зарарнинг сабаблари ва ҳажми тўғрисида олдиндан билган ҳолда ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим этиши, шунингдек воқеа ҳолатлари ёки зарар миқдорини тасдиқлаш учун сохталаштирилган ҳужжатларни тақдим этиши;

в) Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи ёки суғурталанган ТВни вақтинча бошқариш ҳуқуқига эга бўлган ҳар қандай шахслар томонидан суғурта товонини олиш мақсадида содир этилган қонунга зид ҳаракатлар, шу жумладан фирибгарлик ҳолатлари;

г) Суғурталанган ТВ ва/ёки ҚЖдан фойдаланиш жараёнида эксплуатация қоидалари, ишлаб чиқарувчи завод томонидан берилган фойдаланиш бўйича йўриқномалар, қоидалар, меъёрлар, қўлланмалар ва бошқа норматив ҳужжатлар, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, ёнувчи ва портловчи моддаларни ташиш қоидалари, шунингдек носоз ҳолдаги Суғурталанган Твдан фойдаланиш талабларининг бузилиши;

д) Суғурталанган Твни амалдаги қонунчиликка мувофиқ тартибда техник кўрикдан ўтказилмаган ҳолда эксплуатация қилиш, шунингдек амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда сертификатланмаган газ-баллон ускуналари ўрнатилган Твдан фойдаланиш (ушбу истисно ишлаб чиқарувчи завод томонидан газ-баллон ускунаси билан жиҳозланган транспорт воситасига нисбатан қўлланилмайди);

е) Суғурталанган Твда ишлаб чиқарувчи заводнинг техник хусусиятларига мувофиқ белгиланган меъёрдан ортиқ йўловчини ташиш; Суғурталанган Твд ташилаётган йўловчилар сони/юкни тўлиқ вазнининг ишлаб чиқарувчи завод томонидан белгиланган миқдор/максимал вазндан ошиб кетиши;

ж) Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи ёки унинг ҳайдовчиси томонидан Суғурталанган Твни ўқув жараёнларида, мусобақаларда ёки синовларда фойдаланиш;

з) Суғурталанган ТВ томонидан Ўзбекистон Республикасининг Йўл ҳаракати қоидаларининг XI ва XII бобларида белгиланган тезлик режимини ва қайтишиб ўтиш қоидаларини бузиш, темир йўл кесишмаларидан ўтиш қоидаларига риоя этмаслик, светофорнинг таъқиқловчи сигналида ҳаракатланиш, қарши ҳаракат йўналишига чиқиш, шунингдек Твни йўлнинг қарши томонига ёки қарши ҳаракат учун мўлжалланган йўлакка ҳайдаш;

и) Суғурталанган ТВни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ равишда бундай ҳуқуқ ва руҳсатга (ҳайдовчилик гувоҳномаси, ишончнома, йўл варақаси, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш полиси ва ҳоказо) эга бўлмаган шахс томонидан бошқарилиши. Ушбу шарт Суғурталанган ТВ ўғирланганда қўлланилмайди;

к) Суғурталанган ТВни бошқарувчи шахс томонидан чарчоқ ҳолатида (рулда ухлаб қолиш), алкоголь мастлигида ёки наркотик воситалар, психотроп ёки бошқа аклий-иродавий фаолиятга таъсир этувчи моддалар таъсирида, шунингдек, рефлекс тезлигини пасайтирувчи дори воситалари таъсирида бошқарган ҳолларда, ҳамда суғурталанган ТС ҳайдовчиси ЙТХ содир этилган жойдан яширинган (ҳодиса жойини тарк этган) ёки воқеа содир бўлган пайтдан бошлаб, узоғи билан бир соат ичида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортган ҳолатларда;

л) Суғурталанган Твнинг двигатели, унинг тизимлари ва агрегатларини қиздириш мақсадида очик олов манбаларидан фойдаланиш;

м) Твда олов билан эҳтиётсиз муомала қилиш ёки тамаки чақиш натижасида юзага келган шикастланиш;

н) Суғурталанган ТВ ҳайдовчисининг салонда бўлишидан қатъи назар, унинг ўз-ўзидан ҳаракатланиши натижасида келиб чиққан зарар;

о) Суғурталанган Твнинг салоида, кабинасида, юкхонасида ёки кузовида бўлган ҳайвонлар томонидан етказилган зарар;

п) Суғурталанган транспорт воситасини ҳар қандай турдаги транспорт ёрдамида юклаш, тушириш ёки ташиш пайтида юз берган зарар (эвакуаторда ташиш ва йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинган ҳолда буксирлаш бундан мустасно);

р) Товар етказиб бериш, таъмирлаш/техник хизмат кўрсатиш ёки сифат кафолати бўйича шартномаларга мувофиқ учинчи шахслар жавобгар бўлган зарарлар;

с) Суғурталанган Твнинг кузов, таг қисми ёки ёнилғи бакларидаги занглаш (коррозия) натижасида юзага келган шикастлар;

т) Суғурта қилдирувчи томонидан ижарага олинган, лизинг асосида қабул қилинган ёки вақтинча фойдаланилаётган мол-мулкка (Суғурталанган Твдан ташқари), шунингдек Суғурталанган ТВ ичида бўлган, у орқали юкланётган ёки туширилаётган мол-мулкка етказилган ҳар қандай зарар;

у) Суғурта ҳудуди доирасидан ташқарида ёки Суғурта полиси амал қилиш муддатидан ташқарида содир бўлган ҳолатлар.

4.2. Ушбу Офертага мувофиқ, Суғурталанган Твни ўғирлаш (олиб қочиш) таваккалчилиги бўйича қуйидаги ҳолатлар ҳам суғурта ҳодисаси деб тан олинмайди:

- Суғурта қилдирувчи ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс томонидан ТВ тўхтаган ёки турғокда бўлган вақтда, калит ўт олдириш кулфида қолдирилган ёки ТВ эшиклари ёки ойналари очик ҳолда (қулflanмаган ҳолда) қолдирилган бўлса, Суғурталанган Твнинг ўғирланиши (ўғрилиқ ёки олиб қочиш);

- Суғурталанган Твнинг давлат рўйхат рақам белгиси, ойна тозалагич шёткасининг ўғирланиши, агар бу ҳолат Твнинг ўғирланиши (угон) билан бир вақтда содир этилмаган бўлса;

- давлат рўйхатидан чиқарилган Суғурталанган Твнинг ўғирланиши (олиб қочиш), агар рўйхатдан чиқариш нияти тўғрисида Суғурта қилдирувчи Суғурталовчини ёзма шаклда олдиндан хабардор қилмаган бўлса.

4.3. Қуйида келтирилган ҳолатларда суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, Суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан озод этилади:

а) ҳарбий босқин, ҳарбий ҳаракатлар, манёврлар, бошқа ҳарбий тадбирлар ёки ҳарбий ҳаракатларга ўхшаш ҳаракатлар (уруш эълон қилинган ёки қилинмаганидан қатъи назар), фуқаролик уруши натижасида;

б) исён, оммавий фуқаролик норозилик ҳаракатлари, миллий микёсидаги иш ташлашлар натижасида;

в) шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан содир этилган террористик акт натижасида;

г) ядровий портлаш, радиация ёки радиоактив заҳарланиш таъсири натижасида;

д) давлат органлари қарори асосида кредит маблағлари ёки Суғурталанган Твни олиб қўйиш, мусодара қилиш, реквизиция қилиш, хатлаш ёки йўқ қилиш натижасида.

4.4. Суғурталовчи суғурта ҳодисаси натижасида юзага келиши мумкин бўлган қуйидаги ҳолатлар бўйича Суғурта қилдирувчи олдида мажбурият олмайди:

— билвосита ва бошқа харажатлар: жарималар, таъмирлаш даврида меҳмонхонада яшаш харажатлари, хизмат сафари харажатлари, даромад йўқотилиши, турғунлик, кафолат муддати тугаганлиги билан боғлиқ моддий йўқотишлар, маънавий зарар ва бошқалар шунингдек, ҳар қандай тўғридан-тўғри ёки билвосита солиқлар ҳамда зарур бўлмаган ҳолда амалга оширилган бошқа харажатлар бўйича ҳам Суғурталовчи жавобгар эмас.

4.5. Суғурталовчи ушбу Оферта (полисда) кўрсатилмаган ва/ёки баён этилмаган Суғурта қилдирувчининг ҳар қандай мажбуриятлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

4.6. Суғурталовчи Суғурта шартномаси тузилган пайтда мавжуд бўлган Твдаги шикастлар учун жавобгар эмас.

5-БЎЛИМ. СУҒУРТА ПУЛИ ВА СУҒУРТА МУКОФОТИ, СУҒУРТА МУКОФОТИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Суғурта шартномаси бўйича суғурта пули ҳар бир суғурта объекти учун алоҳида белгиланади ва Суғурта полисида кўрсатилади:

5.1.1. Транспорт воситаси бўйича суғурта пули суғурта шартномаси тузилган (Суғурта полиси расмийлаштирилган ва берилган) пайтда суғуртага қабул қилинаётган транспорт воситасининг суғурта қийматидан (ҳақиқий, бозор) кам бўлмаган миқдорда белгиланади. Агар транспорт воситаси тўлиқ бўлмаган суғурта қиймати бўйича суғурта қилинган бўлса, зарарни қоплаш миқдори Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 936-моддасига мувофиқ суғурта пулининг суғурта қийматига нисбатига мутаносиб равишда камайтиради.

5.1.2. Ҳайдовчи ва йўловчиларни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш бўйича суғурта пули томонларнинг келишувига асосан суғурталанган транспорт воситасидаги умумий ўринлар сонига («паушал тизим») мувофиқ белгиланади. Бунда суғурта шартномасида (Суғурта полисида) суғурталанган транспорт воситасининг “салонида нисбатан” бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш бўйича умумий суғурта пули кўрсатилади.

5.1.3. Транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини ихтиёрий суғурта қилиш бўйича суғурта пули томонлар ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

5.2. Суғурта мукофотининг миқдори суғурта объекти ва муддати, суғурта мажбуриятлари ҳажмини ҳисобга олган ҳолда Суғурталовчи томонидан ишлаб чиқилган базавий суғурта тарифлари (суғурта мукофоти ставкалари) асосида ҳисобланади. Электрон Полис расмийлаштирилганда ҳисобланган суғурта мукофоти (бадали) Суғурталовчининг (ёки унинг ҳамкорининг расмий веб-сайтида/мобил иловасида ёки ахборот тизимида реал вақт режимида акс эттирилади.

5.3. Мазкур суғурта шартларига мувофиқ:

5.3.1. *Транспорт воситаси бўйича* («Зарар» хавфи бўйича) суғурта пули Томонларнинг келишувига кўра 50 000 000 (эллик миллион) сўмдан 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўмгача, бироқ Суғурта шартномаси тузилган санадаги транспорт воситасининг суғурта қийматидан юқори бўлмаган миқдорда белгиланади. Суғурта тарифи суғурта пулининг 2,0 фоизи этиб белгиланади. Суғурта мукофоти миқдори суғурта пули ва тегишли суғурта тарифини кўпайтириш йўли билан аниқланади ҳамда Суғурта полисида кўрсатилади.

5.3.2. *Ҳайдовчи ва йўловчиларни бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурта қилиш ҳамда транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини ихтиёрий суғурта қилиш* бўйича суғурта пули Томонларнинг келишувига кўра қуйидаги вариантлардан бирида белгиланади:

«Бахтсиз ҳодиса» хавфи		
Вариантлар	Суғурта пули, сум	Йиллик суғурта мукофоти, сум
Вариант 1	10 000 000	50 000
Вариант 2	20 000 000	80 000
Вариант 3	30 000 000	90 000
Вариант 4	50 000 000	140 000
«Фуқаролик жавобгарлиги» хавфи		
Вариантлар	Суғурта пули, сум	Йиллик суғурта мукофоти, сум
Вариант 1	20 000 000	80 000
Вариант 2	30 000 000	105 000
Вариант 3	50 000 000	140 000

Ҳар бир суғурта объекти бўйича суғурта пули ҳамда суғурта мукофотининг аниқ миқдори Суғурта полисида белгиланади.

5.4. Суғурта мукофоти (бадали) Суғурта қилдирувчи томонидан тўлов тизими операторлари ёрдамида Суғурталовчининг банк ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш йўли билан қуйидаги тўлов турларининг бирида тўланади:

♣ бир марталик тўлов — суғурта амал қилиш муддати (бир йил) учун бир марта белгиланган миқдорда тўланади.

♣ қисмларга бўлиб тўлаш (бўлиб-бўлиб/бадаллар билан) — йиллик суғурта мукофоти суммаси:

а) бир неча тенг қисмларга (бадалларга) бўлинади, ҳар бири қуйидаги даврийликда тўланади: ҳар ой ёки ҳар чорак, ёки ярим йилда;

б) икки қисмга бўлинади, унинг ярми бир марталик тўланади, иккинчи ярми эса 3 ой ёки 6 ой давомида тўланади.

6-БЎЛИМ. СУГУРТА ШАРТНОМАСИНИ (ПОЛИСИНИ) КУЧГА КИРИШИ, АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА БЕКОР ҚИЛИНИШИ

6.1. Суғурта шартномаси уни тузиш пайтидан бошлаб кучга киради ва унга мувофиқ Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар амал қилади. Суғурта даври (муддати) 1 (бир) йилдан ошмайди.

6.2. Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлари суғурта мукофоти (бадали) Суғурталовчининг ҳисоб-китоб ҳисобварағига келиб тушган кундан кейинги кун соат 00:00 дан бошлаб кучга киради ва Суғурта полисида суғурта даврининг тугаш куни сифатида кўрсатилган кун соат 24:00 гача амал қилади.

6.3. Суғурта шартномаси (Суғурта полиси) ҳар қайси Томоннинг ёзма аризаси ёки электрон билдиришномаси асосида бекор қилиниши мумкин, агар ушбу ариза ёки билдиришнома шартнома тўхтатилиши мўлжалланаётган санадан камида 30 (ўттиз) кун олдин тақдим этилган бўлса.

6.4. Суғурта шартномаси (Суғурта полиси) қуйидаги ҳолатларда ўз кучини йўқотади:

а) Суғурта полиси бўйича суғурта даври тугаганида;

б) Суғурталовчи суғурта тўловлари (товонлари) бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажарган тақдирда. Бунда, суғурта шартномаси суғурта товонлари умумий суммаси ушбу объект учун белгиланган суғурта пулига етган суғурта объекти бўйича тўхтатилади;

в) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, ушбу Оферта ва суғурта Қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

6.5. Суғурта шартномаси (Суғурта полиси), агар у кучга кирганидан сўнг суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимоли йўқолса ва суғурта хавфининг мавжудлиги суғурта ҳодисасига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли тўхтаса амал қилиш муддати тугамасидан олдин тўхтатилади. Бундай ҳолатларга, жумладан, қуйидагилар киради:

а) суғурта ҳодисаси юз бермаган ҳолатда суғурталанган транспорт воситасининг йўқ бўлиши (нобуд бўлиши);

б) Суғурта қилдирувчи (юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор) ўз тадбиркорлик фаолиятини белгиланган тартибда тугатган ҳолда.

6.6. Агар Суғурта қилдирувчи ушбу Офертанинг 6.5.-бандида назарда тутилган ҳолатлар бўйича шартномани (Суғурта полисини) муддатидан олдин бекор қилса, Суғурталовчи суғурта мукофотини тугамаган суғурта даврига мутаносиб равишда, тўланган суғурта мукофотининг 25% гача бўлган миқдорда суғуртани амалга ошириш харажатларини ушлаб қолган ҳолда қайтаришни амалга оширади.

Агар қайтарилиши лозим бўлган ишлаб топилмаган суғурта мукофотининг қолдиғи Суғурталовчининг маъмурий-бошқарув харажатларини қоплаш учун етарли бўлмаса ёки ариза тақдим этилган пайтда Суғурталовчига суғурта ҳодисаси бўйича зарарни қоплаш ҳақида даъво билдирилган бўлса, ёхуд Суғурталовчи томонидан қандайдир суғурта товони тўланган бўлса, бунда тўланган суғурта мукофоти қайтариб берилмайди.

6.7. Суғурта қилдирувчи, мазкур Офертанинг 6.5-бандида кўрсатилган ҳолатлар асосида суғурта ҳодисасининг юз бериши имконияти сақланиб турган тақдирда, ҳар қандай вақтда суғурта шартномаси (суғурта полиси)дан воз кечишга ҳақли. Бунда, Суғурталовчининг фойдасига тўланган суғурта мукофоти (бадали) қайтариб берилмайди.

7-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Ушбу Оферта доирасида:

7.1.1. **Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- а) Шартнома бўйича Суғурталовчи қандайдир мажбуриятни бажаришидан ёки суғурта товонини тўлаш ҳақида талабнома қабул қилинишидан олдин, Суғурталовчини ёзма хабардор қилган ҳолда, Наф олувчини алмаштириш;
- б) Суғурталовчи билан келишув асосида Шартнома шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- в) Шартнома доирасида Суғурталовчидан маслаҳатлар олиш.

7.1.2. **Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:**

- а) суғурта шартномасида белгиланган тартиб ва муддатларда суғурта мукофотини (бадалини) тўлаш;
- б) Суғурта полисини олгандан сўнг 3 (уч) иш куни ичида транспорт воситасини кўрикдан ўтказиш (мониторинг) учун Суғурталовчига тақдим этиши, зарур ҳужжатларни (кўрик далолатномасини) имзолаш ёки суғурталанган транспорт воситасини онлайн тарзда кўрсатиши (намоиш этиш). Ушбу шарт Суғурта қилдирувчи томонидан белгиланган муддатда ва тегишли тартибда бажарилмаслиги Суғурталовчига Суғурта полисининг амал қилишини муддатидан олдин бекор қилиш ҳамда тўланган суғурта мукофотини (бадалини) тўлиқ ҳажмда қайтариш ҳуқуқини беради;

в) суғурталанган транспорт воситасидан фойдаланиш ва уни техник хизмат кўрсатиш бўйича кўрсатмаларга (қоидалар, қўлланмалар) риоя этиш;

г) транспорт воситасини тарк этаётганда, унинг ҳужжатларини, оригинал калитларини ҳамда ўғирликка қарши тизимлар пултыларини унинг ичида қолдирмаслик;

д) Суғурталанган транспорт воситасини бошқаришга рухсат этилган шахсларга ушбу суғурталаш шартларида белгиланган шарт ва талабларни етказиш;

е) суғурта шартномаси тузилган пайтда Суғурталовчига маълум қилинган ҳолатларда юз берган ва суғурта хавфининг ошишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча муҳим ўзгаришлар тўғрисида Суғурталовчини 3 (уч) иш куни ичида ёзма равишда дарҳол хабардор қилиш. Суғурталовчи томонидан суғурта шартномасида, Ариза-сўровномада аниқ кўрсатилган ҳолатлардаги ўзгаришлар муҳим ўзгаришлар деб қуйидаги ҳолатларда ҳисобланади:

- транспорт воситасини ижарага (субижарага) ёки прокатга бериш, мулкдорини алмаштириш ва шунга ўхшаш ҳолатлар;

– транспорт воситасидан фойдаланиш мақсадларининг ўзгариши (каршеринг, тижорат асосида такси сифатида фойдаланиш, спорт тадбирларида иштирок этиш ва бошқалар).

ж) суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда Суғурталанган транспорт воситасини назоратсиз қолдирмаслик ҳамда мавжуд вазиятда ақлий ва мумкин бўлган чораларни кўриш орқали зарар/талофатни олдини олиш, камайтириш ёки бартараф этиш бўйича ҳаракатлар кўриш (ёнғинни ўчириш, йўловчилар/жабрланувчиларни қутқариш ва х.к.), шунингдек ушбу Офертани 8.1–8.2-бандларда кўрсатилган ҳаракатларни зудлик билан амалга ошириш;

з) Суғурталовчи ёки унинг вакиллариغا исталган вақтда суғурталанган транспорт воситаси ва унинг қисмларини кўздан кечириш учун кириш имконини таъминлаш;

и) суғурталанган, шикастланган транспорт воситасини таъмирлаш ва тиклаш ишлари бошланишидан олдин, Суғурталовчи билан кўрик ўтказиш жойи, санаси ва вақтини келишиб олиш, Суғурталовчи билан олдиндан келишувсиз, суғурталанган транспорт воситасининг қисмларини демонтаж қилиш ёки таъмирлаш ишларини бошламаслик атрофдагилар, яқиндаги бинолар, ҳайдовчи ва/ёки йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш зарурати ёки ваколатли органлар буйруқлари ва топшириқларини бажариш талаб этиладиган вазиятлар бундан мустасно;

к) агар ўғирланган транспорт воситаси топилса ва/ёки Суғурта қилдирувчига қайтарилса, Суғурталовчидан олинган суғурта товонини қайтариш (агар транспорт воситаси шикастланган ҳолда топилса, Суғурта қилдирувчига кейинчалик кўрилган зарар қоплаб берилади);

л) агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган даъво муддатлари давомида суғурта товонини тўлиқ ёки қисман тўлаш ҳуқуқини қонун ёки суғурта шартларига мувофиқ бекор қилувчи ҳолатлар аниқланса, Суғурталовчи томонидан тўланган суғурта товонини тўлиқ ёки тегишли қисмида қайтариш;

м) Суғурталовчидан олинган маълумотларни махфий сақлаш, Суғурта қилдирувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ушбу маълумотларни давлат органлари ва бошқа ташкилотларга тақдим этишга мажбурлиги ҳолати бундан мустасно.

7.1.3. **Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

а) ҳужжатларни расмийлаштиришда факсимиль (нусха) имзодан ёки электрон рақамли имзодан фойдаланиш, бунда ушбу имзо ҳужжатни имзолаган шахсининг шахсий қўл имзоси билан тенглаштирилади;

б) суғурта шартномаси тузилаётганда ёки суғурта тўлови тўғрисида қарор қабул қилинаётганда Суғурта қилдирувчи ва (мавжуд бўлса) Наф олувчининг мулкый манфаатларига эгалик ҳолатини текшириш;

в) шикастланган транспорт воситасини кўздан кечириш, кўрик далолатномаларини имзолаш;

г) юз берган ҳодиса билан боғлиқ маълумотларни мустақил равишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан, шунингдек воқеа ҳолатлари тўғрисида маълумотга эга бўлган бошқа муассаса ва ташкилотлардан сўраб олиш, ҳамда суғурта воқеасининг сабаб ва шароитларини мустақил аниқлаш;

д) тиклаш харажатларининг асосли миқдори доирасида ҳаракат қилган ҳолда, шикастланган транспорт воситасини таъмирлашнинг ҳақиқий (энг кам) қийматини акс эттирувчи ҳужжатни мустақил тарзда аниқлаш ва шу ҳужжатни суғурта товони тўловини амалга оширишда асос сифатида қабул қилиш;

е) агар келтирилган зарар юзасидан тергов ҳаракатлари бошланган ёки жиноят иши қўзғатилган бўлса, тергов якунланганига қадар суғурта товони тўловини кечиктириш, ёхуд агар Суғурта қилдирувчининг тоvon пулини олиш ҳуқуқига нисбатан шубҳалар мавжуд бўлса — зарур бўлган далиллар тақдим этилгунга қадар суғурта товонини тўлашни кечиктириш;

ж) ушбу Офертанинг 7.1.2-банди е) кичик бандида кўрсатилган, суғурта хавфининг ортишига олиб келувчи ҳолатлар ҳақида хабардор қилинган тақдирда, қўшимча суғурта мукофотини (бадалини) тўлашни талаб қилиш. Агар Суғурта қилдирувчи ушбу Офертада назарда тутилган суғурта шартларига ўзгартириш киритишга ёки қўшимча мукофот (бадал) тўлашга қарши чиқса, Суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда суғурта шартномаси (полиси)ни бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга;

з) агар Суғурта қилдирувчи ушбу Офертада назарда тутилган мажбуриятларни бажармаган бўлса, суғурта шартномасини бекор қилиш (Суғурта полисини тугатиш) ва шартнома бекор қилиниши (полис тугатилиши) натижасида етказилган зарарларни қоплашни талаб қилиш;

и) қуйидаги ҳолатларда суғурта товони тўлашдан бош тортиш:

– агар Суғурта қилдирувчи ушбу Оферта ва суғурта Қоидалари шартларини бажармаган бўлса;

– суғурта ҳодисаси ҳисобланмайдиган воқеалар натижасида Суғурталанган транспорт воситасига зарар етказилган бўлса;

– агар Суғурта қилдирувчи /Наф олувчи / Ҳайдовчи суғурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисида ушбу Офертада белгиланган муддатларда, асосли сабабсиз, ўз вақтида Суғурталовчига хабар бермаган бўлса;

– агар Суғурта қилдирувчи таъмирлаш ишлари бошланишидан олдин шикастланган транспорт воситасини кўрик учун Суғурталовчига тақдим этмаган бўлса, Суғурталовчи кўриқдан ўтказишдан воз кечган ҳолатлар бундан мустасно;

– агар Суғурта қилдирувчи зарар етказган шахсга нисбатан даъволаридан ёки унга нисбатан талаблар қўйиш ҳуқуқини таъминловчи ҳуқуқларидан воз кечган бўлса, шунингдек регресс талаби юзасидан даъво қўзғатиш учун зарур бўлган ҳужжатларни Суғурталовчига топширишдан бош тортган бўлса.

7.1.4. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

а) ушбу Офертада белгиланган тартибда Суғурта полисини расмийлаштириш / юбориш;

б) барча зарур ҳужжатларни қабул қилиб олгандан ва суғурта ҳодисаси юз берганлигини тан олгандан сўнг, ушбу Офертада белгиланган миқдор ва муддатларда суғурта товонини тўлаш;

в) Суғурта полиси амал қилган даврда Суғурта қилдирувчидан олинган маълумотларни махфий сақлаш, Суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ушбу маълумотларни давлат органлари ва бошқа ташкилотларга тақдим этишга мажбурияти ҳолати бундан мустасно.

8-БЎЛИМ. СУГУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ЮЗАСИДАН АРИЗАНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

8.1. Суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, Суғурта қилдирувчи ёки суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс қуйидагиларга мажбур:

8.1.1. суғурта ҳодисаси юз берган кундан кечикмай 3 (уч) календарь куни ичида ушбу воқеа ҳақида Суғурталовчини ҳар қандай мавжуд усулда (Суғурта шартномасида (Суғурта полисида) кўрсатилган телефон рақами, электрон хат орқали ва ҳ.к.) хабардор қилиш;

8.1.2. воқеа юз берган заҳоти, тегишли ваколатли органларга (ИИБ ЙХХХ, ФВВ ва ҳ.к.) ушбу ҳолат ҳақида дарҳол хабар бериш ҳамда воқеа жойида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган тартибда баённома ёки бошқа тегишли ҳужжатни расмийлаштириш. Агар зарар транспорт воситасининг ойна тизими элементларига етказилган енгил шикастлар, кузов ва/ёки бампердаги кичик ёриқлар ва/ёки тирналишлар билан боғлиқ бўлса, Суғурта қилдирувчи ушбу бандда кўрсатилган талаблардан озод этилади. Бунда бундай ҳолат бошқа шахслар иштирок этган йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТХ), ёнғин, портлаш, ўғирлик ёки транспорт воситасининг nobud бўлиши натижасида юз берган ҳолатларга тааллуқли эмас. Суғурта даврида юз берган бундай кичик шикастлар натижасидаги зарарлар, транспорт воситаси учун суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулининг 2% миқдоригача бўлган ҳолда Суғурталовчи томонидан қоплаб берилади.

8.1.3. Суғурталовчига кўриқдан ўтказиш учун шикастланган суғурталанган транспорт воситасини тақдим этиш, агар бунимкони бўлмаса - таъмирлаш ишлари бошланишидан олдин шикастланган барча қисмларнинг фотосуратлари ёки видеоёзувини тайёрлаш;

8.1.4. Суғурталовчига қуйидаги муддатларда зарар етишига таъсир қилган сабаб ва ҳолатлар кўрсатилган ҳолда Суғурта воқеаси тўғрисида ариза юбориш:

